

---

Ўзбекистон туманинаги мавжуд яна бир кириш белгиси реконструкция қилиниб, янги стелла бунёд этишга киришилди. Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ташаббуси билан туманимиз аҳли ва меҳмонлари учун яна бир ажойиб бунёдкорлик намунасини барпо этишга киришилди.

Туманнинг Конизар мавзесидаги айлана ва унинг атроф ҳудуди ободонлаштирилиб, ундаги мавжуд кириш белгиси реконструкция қилинмоқда. Масканда кўркам дизайнга эга бўлган янги стелла бунёд этилади.

Шунингдек, масканга туташ ҳудудлар Қулибек ва Оқтепа маҳаллаларида ҳам кенг кўламли ободонлаштириш ишлари ташкилланган.

Туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев ҳудудда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишди. Соҳа мутасаддилари, коммунал идоралар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари масъулларига жараёнларда ҳар бир масканнинг ободлиги эътибордан четда қолмаслиги юзасидан зарурый кўрсатма ва топшириқлар берилди.

2023-08-01 21:51:18